

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси хузуридаги Мелиоратив
экспедициясига қарашли Қизилтепа туманидаги 28 дона мелиоратив қудукларга ер
ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (ДАЙВЕР)
қурилмасини ўрнатиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ
2.	Объект номи:	Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ та қарашли Қизилтепа туманидаги 28 дона мелиоратив қудукларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (ДАЙВЕР) қурилмасини ўрнатиш.
6.	Танловни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ. (Навоий шаҳар Низомий кўчаси 24-уй) Тел: 97-734-04-49. Таклифларни очиш танлов эълон қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан кейин 2022 йил “ ” апрел куни соат “10-00” да бўлиб ўтади.
9.	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур қурувчи-муҳандисларга ва ўхшаш объектлар қурилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
13.	Танлов ҳужжатининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
14.	Танлов таклифининг амал қилиш муддати:	Танлов таклифлари очилгандан кейин 10 кундан кам бўлмаган муддат.
15.	Танлов предметининг объектида ишлатиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан “Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати”.
16.	Танловда иштирок этиш учун талаб қилинадиган айланма маблаглари миқдори.	Талаб қилинадиган айланма маблаглари миқдори (Тендер предмети нархининг 20 фоиз миқдориди)
17.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	Танлов ташкилотчисининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома, ДСИдан акт сверка, банкдан маълумотнома картотека, кредит буйича ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси. Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, машина ва механизмлар тех паспорти, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси. Хар бир объект буйича қурилишда ишлатиладиган машин ва механизмлар рўйхати тулик илова қилиниши. Хар бир объект буйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тулик курсатилиши шарт. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси булиши керак. Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари қўрилмасдан қайтариб берилди ва чиқариб юборилди.

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ
бошлиғи
Ш.Р.Сафаров
«4» апрел 2022 йил



Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиоратив экспедициясига қарашли Қизилтепа туманидаги 28 дона мелиоратив қудуқларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (ДАЙВЕР) қурилмасини ўрнатиш.

объекти буйича:

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ
МХ Бўлим бошлиғи

2022 йил
МУНДАРИЖА

НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ

(Танлов иштирокчиларига тақдим этилмайди)

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

ТИЖОРАТ ҚИСМ

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

ҚУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ

(Бююртмачи ташкилот номи)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: **Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ** га қарашли Қизилтепа туманидаги 28 дона мелиоратив қудуқларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (ДАЙВЕР) қурилмасини ўрнатиш.

Объектнинг бошланғич нархи– 429 993 060 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –10 календарь кун.

Буюртмачи: **Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ**. (Навоий шаҳар Низомий кўчаси 24-уй)

Тел: 97-734-04-49

Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлар ҳисобидан.

- ◆ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари конун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- ◆ Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси **Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
- ◆ (Навоий шаҳар Низомий кўчаси 24-уй) Тел: 97-734-04-49. Иш кунлари душанба-жума кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача.
- ◆ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича <https://xarid.uzex.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

Эълон 2022 йил “ ” _____ кунини <https://xarid.uzex.uz> сайтида берилган.

Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ бошлиғи:



Ш.Сафаров

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: **Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ** та қарашли Қизилтепа туманидаги **28** дона мелиоратив қудуқларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (ДАЙВЕР) қурилмасини ўрнатиш.

Объектнинг бошланғич нархи– 429 993 060 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –10 календарь кун.

Буюртмачи: **Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ**. (Навоий шаҳар Низомий кўчаси 24-уй)
Тел: 97-734-04-49.

Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари хисобидан

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколоти;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни такдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ такдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Қуйи Зарафшон ИТХБ МЭ бошлиғи:



Ш.Сафаров